

КИТОБ ВА КИТОБХОНЛИК – ЖАМИЯТ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР



ГАНИЕВА Барно Илҳомовна,
Тошкент Ахборот технологиялари университети
«Ахборот-кутубхона тизимлари» кафедраси мудири, доцент

Аннотация: Мақолада китоб ва китобхонликнинг шахс тарбияси ва жамият тараққиётида тутган ўрни ёритилган, шунингдек, кутубхонашунослик назарияси олдида турган ёш авлод мутолаасига раҳбарлик қилиш масалалари таҳлил этилиб, тегишли тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: китоб, китобхонлик, мутолаа маданияти, тарбия, ахборот кутубхона муассасалари

Abstract: The article covers the role of books and books in the development of personal and social development, as well as analyzes and advises young people who are facing the theory of library science.

Keywords: books, reading, reading culture, education, information and library institutions

Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараённада ҳосил қилган маданий, илмий ва техникавий билимларини тўплаш воситаси сифатида китоб ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришида катта аҳамиятга эга бўлди. Инсониятнинг маданияти, илмий, ахлоқий-фалсафий, бадиий-эстетик тараққиёти унинг фикрлаш маҳсули бўлган китобларда ўз ифодасини топади. Лекин китобни ўқиш, унинг маъносига тўла тушуниш, ундан маънавий озиқ олиш, олинган маълумотларни хаётга татбиқ этиш, доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Агар масалага чуқур ва объектив тарзда ёндашилса, кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимида ахборот- кутубхона муассасаларнинг муҳим роль ўйнашини аниқроқ тасаввур этиш мумкин бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январь куни "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида" ги фармойишни имзолади. Шу йилнинг 13 сентябрида "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3271 қарори[1] қабул қилинди. Ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ахолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири деб белгиланди. Китобхонлик маданиятини тарбиялаш масаласи жамият тараққиёти билан бевосита чамбарчас боғланиб кетадиган ижтимоий

муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур муаммони илмий жиҳатдан ҳал қилиш, бу борада илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарбдир. Бунинг учун кутубхоналарда китобхонлик маданиятини тарбиялашга нисбатан манбаларда қандай ёндашилганини ўрганиш муҳим. Аввало, кутубхоналарнинг жамият тараққиётидаги ўрни, уларнинг маданий-маърифий муассаса сифатидаги аҳамияти, кутубхоначилик иши ва уни такомиллаштириш масалалари, кутубхонашунослик фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, Н.А.Рубакин, А.Л.Гольдберг, Р.Бинхем, К.Хэррисон, В.Н.Зайцев, В.Ф.Бородина, Л.Н. Рожина каби олимларнинг кутубхонашунослик, китобхонлик, мутолаа жараёнларининг шаклланиш тенденциялари, ўқиш ва манбаларни ўзлаштириш самарадорлиги масалалари тадқиқотига бағишлиланган илмий изланишлари диққатга сазовордир. Уларнинг ишларида кутубхоначилик муаммолари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Хусусан, ўқувчиларда мутолаа маданиятини тарбиялаш масалалари М.И.Губанова томонидан, кутубхоналарда болалар ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари Н.Н.Житомирова, В.А.Воронец, Н.С.Серовалар томонидан атрофлича ўрганилган. А.С. Адаменко, В.Г.Валькова, Г.Г.Гранникнинг тадқиқотларида кутубхона ва ёш китобхон муаммолари амалий жиҳатдан ёритиб берилган.

Кутубхоначилик тарихи, кутубхонашунослик назарияси олдида ёш авлодни китоблар воситасида тарбиялаш, улар ўқишига раҳбарлик қилиш масала-

лари ҳар доим долзарб муаммо бўлиб келган. Мамлакатимизнинг кутубхонашунос олимлари ҳам бу борада маълум ишларни амалга оширилар. Жумладан, О.Ғ. Қосимова, Э.А. Охунжонов, М.А. Раҳимова, Э.Й. Йўлдошев, Э.Исломов, М.М. Туропов, М.Ҳ. Маҳмудовларнинг изланишларида кутубхоначилик ишининг умумий муаммолари билан бир қаторда мутолаа маданиятини шакллантириш масалалари бўйича ҳам фикрлар айтиб ўтилган[6]. Жумладан, профессор Э.Йўлдошевнинг ушбу мавзуга алоқадор болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш, кутубхона ва болалар китобхонлиги мавзусидаги тадқиқотларида мутолаа маданияти, унинг шаклланиш манбалари хусусида бир қатор назариялар илгари сурилган. Шунингдек, олимнинг болаларда китоб ўқиш маданиятини шакллантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш зарурати борасидаги фикрлари диққатга сазовордир.

А.О. Умаровнинг мутолаа ҳодисаси, унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни, жамиятда мутолаа жараёнларини оптималлаштириш орқали ижтимоий-маданий тараққиётни жадаллаштириш йўлларига оид илмий-социологик таҳлили алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу изланишларда мутолаа ҳодисасининг моҳияти, мазмуни ва таркибий жиҳатлари, мутолаа жараёнларининг анъанавий ва замонавий услублари таҳлил этилган. Шунингдек, олимнинг А.П. Коваленко билан ҳамкорликда китобхон ва мутолаа психологиясига доир изланишларида мутолаа маданиятини тарбиялашда мутолаа психологиясининг аҳамияти ёритиб берилган.

Аввало, кутубхона фаолияти таълим жараёни билан узвий алоқадордир. Чунки, «таълим – инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётининг ҳозирги талабларига муовфик даражада билим ва тажрибага эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қиласи»[4].

Тарбия – ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамиятия пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидағи энг муқаммал зот бўлиши учун аввало тарбияланиши зарур. Таълим ўқитиш, ўқиш, ривожланиш мужассам амалга ошириладиган жараёндир. Мутолаа маданиятини тарбиялаш таълим жараёнида амалга ошади. Таълимга нисбатан «педагогик жараён», «ўқув жараёни», «таълим жараёни» иборалари қўлланилади. «Педагогик жараён» атамаси кенг маънода қўлланилиб, таълим-тарбия бирлигини англатади. «Ўқув жараёнида ўқувчиларни маълумотли қилиш, тарбиялаш ва ривожлантириш биргаликда амалга оширилади»[7]. Ўқув фаолияти натижасида ўқувчининг ижтимоий ҳаёти учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларни қай даражада эгаллаганлиги аниқланади. Эгаллаган билимлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни изчил

шакллантириб боришини таъминлайди. Ўқув жараёнидаги ўқув юкламаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши жараёнида ўқитиш ва ўқиш фаолиятиларининг уйғунлиги натижасида ўқувчиларда муайян кўникмалар шаклланиб боради. Ўқув-билив жараёнида, ўқувчининг умумий ривожланиши учун психологик қулайлик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, ўқув-билив жараёнида ўқувчининг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай педагогик шарт-шароит вужудга келишига имкон беради. Турлитуман кўникма ва малакаларнинг шаклланиши таълим жараёнининг мувафақиятли бўлишини таъминлайди. «Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув материалларини пухта ўзлаштиришлари билимларининг мустаҳкам бўлиши учун қулай педагогик мухитни вужудга келтиради»[3]. Таълим вазиятида мотивлар билим, кўникма, малака, ижодий фаолият тажрибасини эгаллашга йўналтирилганлиги, ўзлаштиришда яхши натижаларга эришишнинг субъектив аҳамияти англашганлиги билан эҳтиёжлардан фарқ қиласи.

Таълим жараёнининг мазмунини ташкил қилувчи билим, кўникма ва малакалар фақатгина синфда ўқитиладиган дарсларда шаклланиб қолмасдан, балки синфдан ташқари ўқишида, аниқроғи кутубхоналарда мустақил тарзда шуғулланиш орқали эгалланади. Бинобарин, мактабдаги предметларнинг ўрганилиши, дарсларнинг ўзлаштирилиши синфдан ташқари ўқишига боғлиқ. Синфдан ташқари ўқишини эса ахборот-кутубхона муассасалари ўз зиммасига олган бўлиб, уларсиз таълим ва тарбия тўлиқ бўлмайди. Кўринадики, кутубхоналар таълим ва тарбия жараёнида мухим ижтимоий масалаларни ҳал этишига йўналтирилгандир.

Китобхонлик маданияти ҳақида гап боргандা, аввало, унинг шаклланиш манбаларини аниқлаб олиш мухимдир. Негаки, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг асл моҳиятини англаш учун ўша воқеа-ҳодисани юзага келтирадиган омиллар аниқланиши лозим. Мана шундан келиб чиқсан ҳолда ўқувчиларда китобхонлик маданиятини тарбиялаш манбалари, шаклланиш босқичларига тўхталиб ўтамиш. Кичик мактаб ёшидаги болаларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг мухим аҳамият касб этадиган бўғинлари оила – мактабгача тарбия муассасалари – мактаб – кутубхона (АКМ) дир.

| | | |
|------|--------------------------------|--|
| | | Мутолаа маданияти шаклланишининг манбалари |
| Оила | Мактабгача тарбия муассасалари | Мактабгача тарбия муассасалари |
| | | Ахборот кутубхона муассасалари |
| | | 1.1-расм |

Китобхонлик маданиятини тарбиялаш маълум бир давр билан чегараланадиган ҳодиса бўлмасдан, инсоннинг умри бўйи давом этадиган, ҳис этиби

борадиган маънавий эҳтиёжидир. Китобхонлик маданиятининг тарбияланиши доимий ва фаол ҳаракатлантирувчи манбалар таъсирида шаклланади. Бизга маълумки, болада китобга бўлган эҳтиёж бола ҳаётининг дастлабки йилларида шаклана бошлайди. Бўлажак китобхон ҳаётида аввало оила, сўнг мактабгача тарбия муассасалари ва ниҳоят мактаб ҳал қилувчи ўрин тутади[6]. Демак, китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг илк, дастлабки асоси бу – оиласидир. М. Қуроновнинг уқтиришича «ўзбек оиласи – миллий дунёқараш манбаидир. Миллий истиқлолнинг муваффақияти ҳам кўп жихатдан оиланинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштиришига боғлиқдир». Оила аъзоларининг саводхонлик даражаси, уларнинг китобга муносабати бола қалбida китобхонлик асосларининг ривожланишига сабабчи бўлади. Инсон китобхонлик маданиятини умр бўйи ўзлаштириб боради, лекин унинг асосий қоидаларини, илк кўникмаларини болаликда китобни илк таний бошлаган даврдан ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ўқиш боланинг маънавий ҳаётига мустаҳкам кириб бориши учун олдиндан тайёргарлик зарур: бола биринчи сўзни мустақил равища ўқишидан олдин, у ҳар куни катта одам – онаси, отаси, бувиси, боғча мураббиясининг мутолаасини тинглаши, яъни бадиий образ гўзаллигини хис қилиши керак.

Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлашича, «Бола туғилган кунидан бошлаб, оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабарини англаб, хис қиладилар»[2;324]. Абдурауф Фитрат ҳам «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида «Фарзандни жисмонан, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур», деб ҳисоблайди.

Оиланинг бола тарбиясидаги, унинг шахс сифатида шаклланишидаги ўрни, бу жараёнда китобнинг, мутолаанинг аҳамияти хусусида тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, кутубхонашунос олимлардан А.Адаменко, Э.Йўлдошев, М.Рахимова, М.Махмудовлар, педагог олимлардан О.Мусурмонова, С.Нишонова, С.Очилов, М.Қуронов, М.Иномова, С.Чинневалар тадқиқотларида оиласида болалар китобхонлиги, шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш масалалари комил инсонни тарбиялашда китобнинг ўрни каби муаммолар билан уйғун ҳолда тадқиқ этилади.

Оила муҳити шахсдаги мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан оиласида боланинг мутолаага қизиқиши, рағбати шаклланади. Социолог А.Умаров томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, китоб ўқишига қизиқувчиларнинг 72,0% ида мутолаага қизиқиши оила муҳитида шаклланган, 17,0% и эса мактабгача пайтида ўқиши оиласида ўрганган.

Ёшларнинг 42,0% ўқиган китобларини оила аъзолари билан муҳокама қилишларини билдири. Бу эса синфдошлар ва тенгдошлардан кейинги (56,0%) ўринни эгаллайди[5; 80].

Шу ўринда оиласидаги кутубхонанинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Ота-оналарнинг саводхонлиги, албатта, болага ўз таъсирини кўрсатади. Лекин ҳамма ота-оналар ҳам бу борада тажрибага эга эмаслар. Оиласидаги кутубхонанинг мавжудлиги ҳамда унда болаларга мос китобларнинг бўлиши мутолаа маданиятини шакллантиришда катта имкониятдир. Болалар ўқишини ўрганиш борасида ўтказилган сўровномаларимиз натижасида «Фарзандингиз кутубхонага аъзоми?» сўровига 37,5% аъзо, 33% аъзо эмас, 29,5% билмадим деб жавоб берганлар.

Оиланинг асосий вазифалари фарзандларида барча ахборот манбааларига бўлган қизиқиши, китоб ўқишига, кутубхоналарга бўлган иштиёқни уйғотиш, мавзу жихатидан ранг-баранг, манбааларга бой бўлган шахсий оилавий кутубхона ташкил этиш, фарзандларининг ёши, қизиқишилари, интеллектуал салоҳиятига мос адабиётларни ташкил ўқишини ўргатиш, фарзандларини китоблардан фойдаланиш қоидалари билан таништириб бориш ва бу орқали болалар ўқишини тўғри ташкил этиш, уларнинг бўш вақтларини тақсимлашда фаолликларини ошириш лозим.

Маълумки, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим босқичи умумий ўрта таълимдир. Чунончи, кичик мактаб ёшидаги ўқувчи-ларнинг мутолаа маданиятини тарбиялашда мактаб таълими бекиёс роль ўйнайди. Бунинг ўзига хос объектив сабаблари мавжуд. Биринчидан, мактабда ўқувчи жуда кўп фанлар бўйича билим асосларини эгаллайди. Иккинчидан, айнан шу даврда ўқувчи ҳам физиологик, ҳам психолого-томуондан ўсиб, ривожланади. Умумий ўрта таълим муассасаси, яъни мактаб ўқувчиларда мутолаа маданиятини тарбиялашнинг асосий маскани бўлиб, ўқувчи-китобхоннинг келажагини ҳал этувчи, ҳар тарафлама ривожланган шахсни шакллантирувчи гўша сифатида жамият ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам биз мактабда ўқувчиларнинг тасаввурини ривожлантиришимиз, кузатувчилигини ўстиришимиз, хис-ҳаяжонини тарбиялашимиз, вокеа-ходисаларни чуқур тушунишга одатлантиришимиз керак. Мана шундагина у ҳақиқий китобхон бўлади.

Ўқувчилардаги китобхонлик қўнишка ва малакаларини шакллантиришда, албатта, мактаб билан кутубхона ҳамкорлигининг даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Кутубхона ўзининг барча воситалари орқали ёш китобхонларнинг ўқиши жараёнига ва шу ўқиши орқали тарбияланишига катта таъсир кўрсатиши, яъни китобга, уни ўқишига қизиқиши уйғотиши, китобхонлар сўрогини шакллантириши, қизиқишини тарбиялаши лозим. Кутубхона мустақил равища китоб ташлашни,

шу китобдан билим олиш йўлларини, ўқилган нарсалар ҳақида фикр юритишни ва унга танқидий қарашни, шу билан бирга барча китобларни тартибли равиша ўқиши ўргатади.

Кутубхоналар фаолиятига мактабдаги таълим ва тарбия жараёнининг доимо тараққий этиб бориши принципи катта таъсир кўрсатади. Айнан маориф тизимида ёшларда китоб ва китобхонликка қизиқишини шакллантириш, такомиллаштириш масалалари педагогик нуқтаи назардан амалга ошириб келинади. Мактабда берилаётган билимлар асосини чукурлашуви ва ривожланиши кутубхоналардан ҳам шунга мослашишини талаб қиласди. Кутубхонада китобни қандай ўқиши, ўқиганини сўзлаб беришга ўргатиш, ўқилган материални фикрлаш, чукур хисэтиш, уни ўрганиши ва баҳолай олишга ўргатиш зарур.

Болаларга таълим ва тарбия берувчи муассасалар ичida мактаб ва ахборот-кутубхона муассасалари ўз фаолиятини китобсиз тасаввур эта олмайди. Ўқувчилар учун турли фанларга оид дарслеклар, хилма-хил мавзуларда бадиий адабиёт, илмий билим берувчи китоблар, газета ва журналлар нашр этилади, бир қатор электрон таълимиy ресурслар мавжуд. Буларнинг барчаси ахборот-кутубхона муассасаларида тартибга солинади, сақланади ва ўқувчиларга тавсия этилади. Бироқ ўқувчиларнинг қандай китоблар ўқиши, кутубхонадан, китобдан фойдаланиш йўлларини билишлари, китоблардан олган билимларини ҳаётда кўллай олишлари мухим масалалардир.

Ўқувчиларнинг китоб ўқиши жараёнини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, ўқитувчи ва кутубхоначилар билан ўтказилган социологик сўровномалар таҳлили шуни кўрсатдики, кўпчилик ўқувчилар китобни пала-партиш, тартибсиз ва юзаки ўкир, бунинг натижасида, табиийки, ўқиган китобларининг мазмунига, фоясига тушунмаганлиги сабаб ундан хеч қандай маънавий озиқ олмайдилар, шунингдек, кўпгина ўқувчилар китобни қаердан, қандай танлаб олиш, кутубхонанинг маълумот-библиографик аппаратидан фойдаланиш кўникма ва малакаларига эга эмаслар. Кўп холларда ўқувчилар бу малакаларни на ўқитувчидан ва на кутубхоначидан била оладилар. Агар масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, юқоридаги ахволга ижобий таъсир этадиган қуйидаги омилларни келтириш жоиз:

- ўқитувчилар ўзлари дарс берадиган фан бўйича қандай янги, қизиқарли китоблар, библиографик кўрсаткичлар чоп этилаётгани, кутубхонага келтиргани билан қизиқиб, топиб, ўз ўқувчиларига тавсия этишлари;

- кутубхоначилар нашриётларнинг янги чоп этиладиган адабиётлар каталоглари билан мунтазам танишиб боришлари, турли фанларга оид илмий билим берувчи китобларни нашриётлардан олишлари, кутубхона жамғармасини хилма-хил китоблар билан

тўлдиришга аҳамият беришлари;

- ахборот-кутубхона муассасалари ўзидаги мавжуд ресурсларни ўқувчилар ўртасида тарғиб қилишлари лозим.

Булар қаторида қуйидаги тавсияларга амал қилиш ҳам яхши натижалар беради:

- ўқувчиларни китоб ва ундан рационал фойдаланишга ўргатиш;

- оила-мактаб-кутубхона ҳамкорлиги борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кутубхоначилик-библиографик билимлар тарғиботини йўлга қўйиши;

- кутубхонанинг ўқувчилар китобхонлик маданиятини тарбиялашдаги имкониятлари асосида кутубхоналарда китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг конкрет йўл-йўриқлари ва воситаларини ишлаб чиқиш;

- китобхонлик маданиятини тарбиялаш жараёнининг самарадорлик даражасини белгилаш ҳамда ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботи муаммолари ечимига эътибор қаратиш;

- китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг илмий-назарий негизларини асослаб, китобхонлик маданиятини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар яратиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиши ва тарқатиши тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрь, ПҚ-3271-сон қарори//lex.uz/docs/3338600.

2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори// Ислом Каримов. Ҳафғизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

3. Давлетшин М.Г. Бошлиғич таълимнинг психология омиллари. –Т.: ТДПУ, 1996. –Б. 45.

4. Сафарова Р. Ўқув дастурларининг интеграцияси ва методик йўналишлари соҳасида мавжуд бўлган нуқтаи назарлар (ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишилар, ечимлар / Семинар материаллари. ХТБнинг илмий мақолалари тўплами. –Т.: 2002. –Б. 28.

5. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт: Монография – Т.: Фан, 2004. – 194 б.

6. Каранг: Ганиева Б. Ахборот кутубхона муассасаларида болалар китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари: Монография. –Т.: Алоқачи, 2019. –Б.19-21

7. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2006. – 227 б.